

# “ҚОРАҚАЛПОҚБАЛИҚСАНОАТ” ВА “ТИАНДЗИН ТЯН СЯН” ҲАМКОРЛИК ҚИЛМОҚДА

Хитой Ҳалқ Республикаси “Тиандзин Тян Сян” компанияси раҳбари Миао Дзиенфа ва Као Гуангвин Қорақалпоғистон Республикасида хизмат сафарига бўлмоқда.

Сафардан кўзланган асосий мақсад 2017 йил 20 ноябр - 5 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси делегатсиясининг балиқчилик соҳаси бўйича Хитой Ҳалқ Республикасига сафари доирасида “Қорақалпоқбалиқсаноат” МЧЖ раҳбари А.Ж.Бекниязов ва “Тиандзин Тян Сян” компанияси директори Миао Дзиенфа билан балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, янги балиқ турларини етиштириш бўйича Тиандзин шаҳрида ўз-ара имзоланган меморандум доирасидаги белгиланган вазифаларни бажаришдир.

Айни пайтда меҳмонлар Республикамиз ҳудудига мос келадиган балиқ турларини тадқиқотлар орқали аниқлаш, шунингдек, сунъий балиқчиликни ривожлантириш бўйича техник режани ишлаб чиқиш бўйича барча туманлардаги табиий ва сунъий кўлларда ўрганишлар олиб бормоқда. Сафар давомида шунингдек, Ташкент аграр университети Нукус филиалида “Тиандзин Тян Сян” компанияси мутахассислари иштирокида мазкур саҳо бўйича ўқув-семинар ташкил этилади.

Image not found or type unknown

Image not found or type unknown